

Оммавий ахборот воситалари вакилларининг Ҳайъат йиғилишларида иштирок этиши

Ҳайъат йиғилишларида оммавий ахборот воситалари вакилларининг иштирок этиши мумкинлиги ва зарурлигини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ижро этувчининг таклифи бўйича белгилайди.

Оммавий ахборот воситалари вакилларини таклиф этиш бўйича ташкилий ишлар ва улар учун ахборот материалларини тайёрлаш Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими томонидан амалга оширилади.

Оммавий ахборот воситалари учун ахборот материаллари Ҳайъат йиғилишига тайёрланган материалларга зид бўлмаслиги керак. Мазкур хужжатларга Ижро этувчи, Ҳайъатнинг масъул котиби виза қўяди ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги вазири билан келишилади.

Оммавий ахборот воситалари вакилларини рўйхатдан ўтказишни Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги раҳбариятини хабардор қилган ҳолда Ташкилий-инспекторлик бошқармаси билан ҳамкорликда амалга оширади.

Оммавий ахборот воситалари вакилларига иш материаллари ва Ҳайъат якуний материалларининг лойиҳалари берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ҳайъати ўз фаолиятида амалдаги қонунларга мувофиқ қонунийлик, Ўзбекистон Республикаси Президентига, Вазирлар Маҳкамасига бўйсуниш ва ҳисобдорлик, бошқаришни марказлаштириш тамойилларига амал қиласди.